В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

УМИРХОНОВ МАСЪУДХОН ТЎРАХОН ЎҒЛИ ҲАСАНЗОДА

БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ГИПЕРБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН НОМАЪЛУМ ЧЕГАРАЛИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 517.956/.3

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

УМИРХОНОВ МАСЪУДХОН ТЎРАХОН ЎҒЛИ ҲАСАНЗОДА

БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ГИПЕРБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН НОМАЪЛУМ ЧЕГАРАЛИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/FM306 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И. Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz/) ва «ZiyonNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Тахиров Жозил Останович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ашуров Равшан Раджабович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Бабаджанов Базар Атаджанович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА қошидаги В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 27 » декабр соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40, website: www.mathinst.uz, e-mail: kengash@mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (154-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 7 » декабр куни тарқатилди.
(2022 йил « 7 » декабрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К. Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А.А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий, ҳамда амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда номаълум чегарали гиперболик масалаларни тадқиқ қилишни тақозо этади. Номаълум чегарали масалалар - бу иссиқлик ўтказувчанлиги ва яширин иссиқлик энергияси алмашинуви туфайли соф материалларнинг фазавий алмашишларини моделлаштирадиган ҳаракатланувчи чегарали масалалардир. Ҳаракатланувчи чегаранинг жойлашуви олдиндан маълум бўлмагани ва уни температура билан бирга топиш кераклиги сабабли, бу масалалар чизиқсиз бўлади. Ушбу масалаларни ечиш мураккаб амалиётларни бажариш билан боғлиқ бўлиб, кўплаб янги назарий натижаларга ва мавжуд муаммолар бўйича янги истиқболли ишланмаларга, ҳамда физика, биология ва техникада кенг қўлланиладиган аниқ натижаларга олиб келади.

Ҳозирги вақтда табиий жараёнларни янада адекват тавсифловчи гиперболик тенгламалар ва тенгламалар системалари учун номаълум чегарали математик моделлар қуриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада ўрганилаётган йўналиш замонавий амалий математиканинг жадал ривожланаётган қисмига айланиб улгурди. Шунинг учун вақтнинг берилган қийматларида номаълум чегара табиатини ўрганиш ва унинг асосида масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини кўрсатиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда инновацион характердаги фундаментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Илм-фан олдида фундаментал тадқиқотларни амалиётга яқинлаштириш вазифаси турибди. Бу вазифани бажаришда гиперболик тенгламалар учун номаълум чегарали масалалар назарияси учун муҳим рол ажратилган. Математика фанининг устувор йўналишлари, яъни дифференциал тенгламалар ва математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш Математика институтининг асосий вазифаларидан биридир[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги №ПҚ-2909 «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон қарори «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фазалар алмашиши динамикасини назарий жиҳатдан кўриб чиқиш Стефан масаласининг турли хил кўринишларига олиб келади. Стефан масаласининг классик кўриниши эриш ёки қотиш каби фазалар алмашиниш жараёнлари учун ўтган асрда ишлаб чиқилган бўлиб, бу масала номаълум чегарали, қайсики қаттиқ ва суюқ фазаларни ажратиб турувчи ва ҳаракатланувчи, соҳада иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасига келтирилади. Фазалар орасидаги чегарада Стефан шарти қаноатлантирилади.

Номаълум чегарали масалалар назарияси асослари (асосан параболик ва эллиптик тенгламалар учун) A.Friedman, L.Rubinstein, J.Cannon, J.Hill, W.Kyner (USA), A.Fasano, M.Primecerio (Italy), А. Мейрманов, И. Данилюк (Россия) ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида қурилган ва ривожлантирилган. Стефан масаласига доир кўплаб мақолалар параболик тенгламалар учун умумлашган ечимларни ўрганишга бағишланган. Бу ерда О.Олейник, С.Каменномостская, И.Данилюк, А.Мейрманов, A. Friedman, L.Caffarelli, L.Evans, E.Hanzawa, G.Duvant, A.Visintin ва бошқаларнинг натижаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1980-йиллар бошларидан номаълум чегарали гиперболик типдаги масалалар ҳам ўрганилиб келинмоқда. Бу масалалар релаксацион хусусиятга эга бўлган муҳитларда иссиқлик тарқалиш жараёнларини тавсифлайди. Номаълум чегарали гиперболик масалаларга доир муҳим натижалар A.Friedman, L.Caffarelli, L.Evans, C.Hill, A.Terracina, А.Мышкис, В.Кирилич, Р. Хубиев, Т. Жўраев, Ж.Тахиров ва бошқаларнинг ишларида олинган.

Сўнгги ўн йилликларда биз ушбу йўналишнинг бошқа турли соҳалардаги номаълум чегарали масалаларга олиб келувчи жараёнларни ўрганиши натижасида тез суръатда кенгаётганини кўрмоқдамиз.Масалан, математик биологияда ва биотиббиётда улар популяциялар ёки ўсимталарнинг ҳаракати фронт чизиғини кўрсатади; суюқлик ва газ механикаси соҳасида кўплаб янги масалалар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина етакчи илмий марказларида номаълум чегарали чизиқсиз масалалар бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва улар турли физик, биотиббий ва шунга ўхшаш жараёнларни математик моделлаштиришда кенг қўлланилмоқда. Бу ерда A.Friedman, C.Pao, Y. Du, X.Chen, Z. Lin, C. Li ва бошқа шу соҳада етакчи бўлган олимларларнинг илмий натижаларини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Энди биз ҳам бу кучли илмий оқимга қўшилдик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ФА-Атех-2018-149 «Ер усти атмосфераси ва кўп қатламли муҳитларда зарарли моддаларнинг диффузияси ва конвектив кўчишини тадқиқ қилиш учун самарадор ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларни яратиш» (2018-2020) амалий лойиҳаси бўйича ва ОТ-Ф-4-85 «Биология ва экологиянинг замонавий муаммоларини ўрганиш учун чизиқсиз математик моделлар ва самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2017-2020) фундаментал лойиҳаси, шунингдек, «Медико-биологик ва физик жараёнларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, тадқиқот, мониторинг ва прогнозлашнинг математик усулларини қуриш» Математика институти илмий тадқиқот йўналиши доирасида тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади релаксацион хусусиятга эга бўлган муҳитларда жараёнларнинг математик моделларини қуриш, ривожлантириш ва номаълум чегарали гиперболик масалаларни ечиш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўчишнинг релаксацион тенгламаси учун номаълум чегарали масалани тадқиқ этиш ва унинг тўлқинсимон ечимларини қуриш;

суюқлик оқими учун Максвелл масаласини тадқиқ этиш, яни ечиш усулларини ишлаб чиқиш, қидирилаётган функциялар учун априор баҳолар ўрнатиш ва ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги теоремаларини исботлаш;

ёпишқоқ-пластик деформация масаласини тадқиқ этиш;

газо - динамиканинг бир ва икки фазали гиперболик моделларини тадқиқ этиш, яъни вақтнинг маълум қийматларида номаълум чегара табиатини ўрганиш ва ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги теоремаларини исботлаш.

Тадқиқот объекти. Туташ муҳитлар механикаси ва релаксацион хусусиятга эга муҳитлардаги жараёнларнинг турли номаълум чегарали математик моделларидан иборат.

Тадқиқот предмети. Гиперболик ва параболик тегламалар учун номаълум чегарали масалалар назарияси,математик физика тенгламалари ва математик моделлаштириш фанлари.

Тадқиқоднинг усуллари. Диссертацияда математик таҳлил элементлари, дифференциал тенгламалар ва математик физика ва математик моделлаштириш методларидан фойдаланилган**.**

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўчишнинг учинчи тартибли релаксацион тенгламаси учун бир қатор муҳим махсусликларга эга номаълум чегарали математик модел қурилган ва тенгламанинг тўлқинсимон ечимининг мавжудлиги исботланган;

номаълум чегара сифатида доимий босим градиенти билан бошқариладиган каналнинг ички ядроси ва ташқи қатламини ажратиб турувчи сирт қараладиган, Максвеллнинг гиперболик телеграф тенгламаси ва Олдройд-Б тенгламасини ўз ичига олувчи масала ягона ечимга эга эканлиги исботланган;

ёпишқоқ-пластик деформация жараёни модели бўлган, коэффициентлари номаълум чегара устида узилувчи гиперболик тенгламалар системасини чизиқли дифференциал оператор бўлган ҳол учун ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

газо - динамиканинг бир ва икки фазали гиперболик моделлари тадқиқ этилди, яъни вақтнинг берилган ва чексиз қийматларида номаълум чегара табиатини ўрганилди ва ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги теоремалари исботланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиперболик тенгламалар ва тенгламалар системалари учун номаълум чегарали масалалар кўринишидаги модификация қилинган математик моделлар, шунингдек тавсия этилган тадқиқот методлари релаксацион хусусиятга эга муҳитдаги турли физик жараёнларга қўлланилиши билан изоҳланади;

номаълум чегарали гиперболик масалалар газ-гидродинамика ва ёпишқоқ-пластик деформация масалаларида масса кўчиши жараёнларига қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика, математик моделлаштириш методлари ва амалий математиканинг бошқа янги натижаларидан фойдаланган ҳолда математик фикрлашнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва математик физикада, номаълум чегарали масалалар назариясида ва турли физик жараёнларнинг математик моделларини қуришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти физика ва биотиббиётдаги жараёнлар моделларини қуришда қўллаш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси учун номаълум чегарали масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

кўчишнинг учинчи тартибли релаксацион тенгламаси учун бир қатор муҳим махсусликларга эга номаълум чегарали математик моделидан МД-758.2022.1.1 рақамли «Тебраниш ва тўйинганлик жараёнларини ўрганиш мақсадида каср тартибли динамикасининг математик моделларини ривожлантириш» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида номаълум чегарали масса алмашинуви масалаларини ечишда фойдаланилган (Камчатка Давлат университетининг 2022 йил 28 ноябрдаги №42-12-сонли маълумотномаси, Россия). Илмий натижанинг қўлланиши тупроқ-атмосфера тизимида радон узатиш жараёнини таҳлил қилиш имконини берган;

номаълум чегара сифатида доимий босим градиенти билан бошқариладиган каналнинг ички ядроси ва ташқи қатламни ажратиб турувчи сирт қараладиган Максвеллнинг гиперболик телеграф тенгламасини ўз ичига олувчи масала ечимидан ЁОТ-Фтех-2018-149 рақамли «Чизиқсиз чегаравий шартлар билан берилган икки компонентли муҳитларда фильтрация жараёнини математик моделлаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада икки компонентли муҳитларда фильтрация системаларининг автомодель ечимларини қуришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 8 октабрдаги №04/11-6174-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши чизиқсиз чегаравий шартлар билан берилган икки компонентли муҳитларда фильтрация системаларининг автомодель ечимларнинг вақтнинг чекланмаган қийматларида табиатини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 5 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 1 таси хорижий ва 5 таси республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ушбу диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга умумий таҳлил берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари тасвирланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг «**Гиперболик тенгламалар системаси ва номаълум чегарали масалалар назариясидан баъзи маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижаларини тақдим этишда фойдаланиладиган баъзи маълум фактлар келтирилган.

Кўриладиган номаълум чегарали барча масалалар чизиқсиз характерга эга бўлганлиги сабабли, ишнинг асосий мақсади априор баҳоларни олиш, ва улар асосида бир қийматли ечилувчанлик ҳақидаги теоремаларни исботлаш (бутун вақт давомида), вақтнинг чегараланмаган қийматларида номаълум чегаралар табиатини ва ечимларнинг айрим хоссаларини ўрганишдан иборатдир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Релаксацион хусусиятга эга муҳитлардаги масалалар**» деб номланиб, кўчишнинг релаксацион тенгламаси учун масалалар ўрганишга бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида биз кўчишнинг релаксацион тенгламаси учун Флорин типидаги номаълум чегарали масалани ўрганамиз.

Максвелл-Каттанео-Вернотти (МКВ) тенгламасининг энг оддий умумий кўриниши Гюер–Крумхансл (ГК) модели бўлиб, у $\tau q_t + q + k\nabla T - k^2\Delta q = 0$ кўринишга эга бўлади, бу ерда τ-релаксация вақти, k^2-диссипация параметри ва T-температура, q-оқим.

ГК типидаги тенглама $k^2 = 0$ бўлганда МКВ тенгламасини ва $\tau = k^2 = 0$ бўлганда Фурье тенгламасини ўз ичига олади. ГК тенгламасининг бу хусусияти температуранинг тўлқинсимон табиатини ҳам, диффузион табиатини ҳам моделлаштириш имконини беради. Бу q ни йўқотиш учун ички энергия баланси тенгламаси қўлланилганда аниқ кўринади: $\rho c T_t + \nabla \cdot q = 0,$ ρ зичликни ва c иссиқлик сиғимини ҳисобга олсак $\tau T_{tt} + T_t = a\Delta T + k^2\Delta T_t$ тенгликни топамиз, бу ерда $a = \dfrac{k}{\rho c}$ - температура ўтказувчанлик коэффициенти.

$k^2 = \tau a$ бўлган ҳолат Фурьенинг резонанс шарти дейилади, $k^2 < \tau a$ бўлганда жараёнда тўлқинсимон табиат, $k^2 > \tau a$ бўлганда эса диффузион табиат устунлик қилади.

Диссертацияда $a = \dfrac{k^2}{\tau}$ бўлганда $D_H = \{(x,t): 0 < x < s(t), 0 < t \leqslant H\}$ соҳада қуйидаги (1) тенглама учун бошланғич шартсиз ва $s(0) = 0$ бўладиган номаълум чегарали Флорин типидаги коррект чегаравий масалани ўрганамиз

$$T_t + \tau T_{tt} = a(T_{xx} + \tau T_{xxt}). \tag{1}$$

Дастлаб биз $0 < t \leqslant H$ оралиқда узлуксиз дифференциалланувчи ва $s(0) = 0,\ s(t) > 0,\ 0 < t < H$ шартларни қаноатлантирувчи $s(t)$ функцияни ва $\bar{D}_H \setminus (0,0)$ соҳада ҳосилалари билан бирга узлуксиз бўлган ва барча $0 \leqslant t \leqslant H$ ларда қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи (1) тенгламанинг ечимини топамиз

$$\begin{cases} T_x(0,t) - \alpha T(0,t) = \psi(t), \\ T_x(s(t),t) = 0, \\ T_{xx}(s(t),t) = 0, \\ T(s(t),t) = \int\limits_0^t d\eta \int\limits_0^\eta \bar{q}(s(\xi),\xi)\, d\xi, \end{cases} \tag{2}$$

бу ерда a, τ, α (иссиқлик алмашиш коэффициенти), H - мусбат ўзгармаслар, $\psi(t)$, $\bar{q}(x,t)$-берилган функциялар, бундан ташқари $\psi(0) \neq 0,$ ва $\bar{q}(x,t)$ функция $\{(x,t): 0 \leqslant x \leqslant x_0,\ t \geqslant 0\}$ соҳада узлуксиз ва $\bar{q}(x,t) < 0$ тенгсизликни қаноатлантиради.

Шуни таъкидлаш керакки, (1) кўринишдаги тенглама учун Флорин типидаги масала биринчи марта кўрилмоқда.

Қаралаётган Флорин масаласи бир қатор махсус хусусиятлари мавжудлиги билан тавсифланади: $t=0$ бўлганда соҳа $s(0)=0$ нуқтага айланади, яъни номаълум чегара $x=0$ дан бошланади; қидирилаётган $T(x,t)$ функция ва унинг ҳосилалари координата бошида узилишга эга; номаълум чегара учун шартлар ошкормас кўринишда берилган; чегараланмаган вақт оралиғида номаълум чегаранинг табиати номаълум.

Янги $T(x,t)+\tau T_t(x,t)=u(x,t)$ функция киритиб, (1) ва (2) лардан $T(x,t)$ учун қуйидаги масалани оламиз

$$T(x,t)+\tau T_t(x,t)=u(x,t),\quad (x,t)\in D_H,$$
$$T(s(t),t)=\varphi(t),\quad 0\leqslant t\leqslant H,$$

бу ерда $\varphi(t)=\int\limits_0^t d\eta\int\limits_0^\eta \bar{q}(s(\xi),\xi)d\xi$.

Бу масаланинг ечими ($s(t)$, $u(x,t)$ ларни топганимиздан сўнг) қуйидагича бўлади

$$T(x,t)=e^{-\frac{1}{\tau}(t-s^{-1}(x))}\varphi(s^{-1}(x))+\frac{1}{\tau}\int\limits_{s^{-1}x}^{t} e^{-\frac{1}{\tau}(s^{-1}(x)-4)}u(x,\eta)d\eta, \tag{3}$$

бу ерда $s^{-1}(x)$ функция $x=s(t)$ нинг тескари функцияси.

Қуйидаги масалани оламиз: Шундай функцияларни $u(x,t)$, $s(t)$ топингки , $s(t)$ узлуксиз дифференциалланувчи ва $0<t\leqslant H$ бўлганда $s(t)>0$ ва $s(0)=0$, $u(x,t)$ функция ўзининг $u_x(x,t)$ ҳосиласи билан биргаликда $\bar{D}_H\setminus(0,0)$ соҳада узлуксиз ва қуйидаги шартларни қаноатлантиради

$$\begin{cases} u_t=u_{xx}(x,t),\quad (x,t)\in D_H, \\ u_x(0,t)-\alpha u(0,t)=f(t),\quad 0\leqslant t\leqslant H, \\ u(s(t),t)=\int\limits_0^t q(s(\eta),\eta)d\eta,\quad 0\leqslant t\leqslant H, \\ u_x(s(t),t)=0,\quad 0\leqslant t\leqslant H, \end{cases} \tag{4}$$

бу ерда $f(t)=\tau\psi'(t)+\psi(t),\quad a=1,\quad q(s(t),t)=\tau\bar{q}(s(t),t)+\int\limits_0^t\bar{q}(s(\xi),\xi)d\xi$. Бу масаланинг ечими x ўқидаги l йўқолувчи кесмада берилган бошланғич шартли номаълум чегарали масала ечимининг лимити кўринишида қурилади.

Тадқиқот қуйидаги схема бўйича олиб борилади. Дастлаб берилган масала иккинчи тартибли тенглама учун масалага ўтказилади. Грин функцияси ёрдамида ечимнинг кўриниши топилади. $u(x,t)$ учун баъзи априор баҳолар ўрнатилади, ва шу баҳолардан фойдаланиб ечимнинг ягоналиги исботланади.

Кейинги қадамда бошланғич шартли масала кўрилади, сўнгра у масала Стефан типидаги масалага келтирилади ва уларнинг эквивалентлиги исботланади. Стефан масаласи ечими учун Шаудер типидаги априор баҳолар ўрнатилади ва улар асосида мавжудлик теоремаси исботланади. Шу билан бирга, номаълум чегара учун маълум эгри чизиқлар ёрдамида икки томонлама баҳолар ўрнатилади, бу еса номаълум чегаранинг $t \to 0$ даги табиатини ўрганиш имконини беради.

Ва ниҳоят, вақт чексизга ўсганида номаълум чегара маълум ўзгармас сонга интилиши исботланади.

1-лемма. $f(t)$ *ва* $q(x,t)$ *лар узлуксиз дифференциалланувчи функциялар бўлиб,* $f(t) > 0$, $f'(t) > 0$, $0 \leqslant t \leqslant H$, $q(x,t) < 0$, $0 \leqslant x \leqslant x_0$, $t \geqslant 0$, $\alpha \geqslant 0$ *тенгсизликларни қаноатлантирсин. У ҳолда* D_H *соҳада* $u(x,t) < 0$ *ва* $u_x(x,t) > 0$ *тенгсизликлар бажарилади.*

1-теорема. *Агар 1-лемманинг шартлари ва* $q_x(x,t) < 0$ *тенгсизлик бажарилса, у ҳолда (4) масаланинг ечими ягонадир.*

2-теорема. *Ушбу* $f(t) > 0$ *тенгсизлик бажарилиб,* $f'(t) > 0$ *ҳосила* $(0,H]$ *оралиқда Гёльдер маъносида узлуксиз бўлсин,* $q(x,t)$ *функция эса ўзининг* $q_x(x,t)$, $q_{xx}(x,t)$, $q_t(x,t)$ *ҳосилалари билан биргаликда* $\{(x,t): 0 \le x \le x_0,\ 0 \le t \le H\}$ *тўртбурчакда узлуксиз бўлиб,* $q(x,t) < 0,$ $q_x(x,t) < 0,$ $q_{xx}(x,t) \le 0,$ $q_t(x,t) \ge 0$ *тенгсизликлар бажарилсин, у ҳолда (4) масаланинг ечими мавжуддир.*

Бундан ташқари $x = s(t)$ номаълум чегара $(0,T]$ интервалда узлуксиз дифференциалланувчи ва $\dot{s}(t) > 0$ ҳосила Гёльдер шартини қаноатлантиради, u_x, u_t, u_{xx}лар эса $\bar{D}_H \setminus (0,0)$ да узлуксиз ва ихтиёрий $\{(x,t): 0 \le x \le s(t),\ 0 < \delta \le t \le H\}$ тўпламда Гёльдер шартини қаноатлантиради.

2-лемма. $\left(U^l(x,t), s_l(t)\right)$ *функциялар жуфти қуйидаги масаланинг ечими бўлсин*

$$\begin{cases} U^l_{xx}(x,t) - U^l_t(x,t) = 0, \quad (x,t) \in D_{H_l}, \\ U^l(x,0) = \varphi_t'(x) = 0, \quad 0 \leqslant x \leqslant l, \\ U^l_x(0,t) - \alpha U^l(0,t) = f_l'(t), \quad 0 < t \leqslant H_l, \\ U^l(s_l(t),t) = q(s_l(t),t), \quad 0 \leqslant t \leqslant H_l, \\ U^l_x(s_l(t),t) = -q(s_l(t),t)\dot{s}_l(t), \quad 0 \leqslant t \leqslant H_l. \end{cases} \tag{5}$$

У ҳолда $\left(u^l(x,t), s_l(t)\right)$, *бу ерда*

$$u^l(x,t) = f_l(t)x + \int_0^x d\xi \int_0^\xi U^l(y,t)dy + (\alpha x + 1)\int_0^t U^l(0,\eta)d\eta + (\alpha x + 1)\varphi_l(0),$$

қуйидаги масаланинг ечими бўлади

$$\begin{cases} u_{xx}^{l} = u_{t}^{l}\left(x,t\right) \in D_{H_l} = \left\{\left(x,t\right): 0 < x < s_l\left(t\right), 0 < t \le H_l\right\}, \\ u^{l}\left(x,0\right) = \varphi_l\left(x\right),\ 0 \le x \le l = s_l\left(0\right), \\ u_{x}^{\,l}\left(0,t\right) - \alpha u^{l}\left(0,t\right) = f_l\left(t\right) = f\left(t\right) + \varepsilon\left(l\right),\ 0 < t \le H_l, \\ u_{x}^{l}\left(s_l\left(t\right),t\right) = 0,\ 0 \le t \le T_l, \\ u^{l}\left(s_l\left(t\right),t\right) = \int\limits_0^t q\left(s_l\left(\eta\right)\ \eta\right)d\eta + \varphi_l\left(l\right), \qquad 0 \le t \le H_l, \end{cases} \tag{6}$$

бу ерда $\varphi_l\left(x\right)$*-чексиз марта дифференциалланувчи функция бўлиб,* $\varphi_l'\left(x\right) \ge 0$, $\varphi_l'''\left(x\right) \ge 0$, $\varphi_l'\left(l\right) = 0$, $\varphi_l''\left(l\right) = q\left(l,0\right)$, $f_l(0) = \varphi_l'(0) - \alpha\varphi_l(0)$ *лар ўринли,* $\varepsilon\left(l\right)$ *эса* l *бўйича монотон ўсувчи функция ва* $l \to 0$ *да* $\varepsilon\left(l\right) \to 0$ *бўлади.*

Кейин, бир қатор леммалар исботланади, уларда қидирилаётган функцияларнинг l бўйича бир ўлчамли априор баҳолари ўрнатилади.

Ва охирида, стандарт ёндашувни қўллаб мавжудлик теоремасининг исботини якунлаймиз. (5) ва (6) масалаларнинг ихтиёрий $[0, H_l]$ оралиқда ечими мавжудлиги исботланади. Олинган натижалардан фойдаланиб, $U^l(x,t)$ ва $U_x^l(x,t)$ функциялар Гёльдер нормаси учун $l \le l_0$ бўйича бир ўлчамли баҳолар оламиз. Бундан $l \le l_0$ бўйича бир ўлчамли $\dot{s}_l(t)$ функциянинг $\left[0, H\right]$ кесмада Гёльдер шартини қаноатлантириши келиб чиқади, ва параболик тенгламалар ечими учун Шаудер типидаги баҳоларга асосланиб $U^l(x,t)$ ва $U_x^l(x,t)$ ҳосилаларнинг l бўйича бир ўлчамли Гёльдер нормалари ихтиёрий $\left\{(x,t):\ 0 < \delta \le t \le T,\ 0 < \delta \le x \le s_l(t)\right\}$ тўпламда чегараланганлигини топишимиз мумкин. Леммаларда ўрнатилган баҳолардан ва Арцел теоремасидан фойдаланиб мавжудлик теоемаси исботини тугатамиз.

Номаълум чегара асимптотикаси ҳақидаги теоремани келтирамиз. Ҳақиқатан, берилган функциялар барча $t > 0$ лар учун аниқланган деб фараз қилиш мумкин. Юқорида олинган натижалардан фойдаланиб, $s(t)$ функция $t > 0$ да қатъий ўсувчи ва чегараланганлиги топилади.

3-теорема. $t \to \infty$ *да* $\dfrac{f(t)}{t} \to +\infty$ *ўринли бўлсин, у ҳолда* $\lim\limits_{t\to+\infty} s(t) = s(+\infty) = x_0$ *тенглик бажарилади.*

Иккинчи бобнинг **иккинчи параграфида** релаксация тенгламаси учун тўлқинсимон ечимлар ўрганилган.

Тўлқинсимон ечимлар махсус турга тегишли бўлиб, улар одатда ўтиш жараёнларини тасвирлайди. Ҳаракатланувчи тўлқинлар назариясининг асосий масалалари қаторида биз тўлқинларнинг мавжудлиги, кичик тебранишларга нисбатан тўлқинларнинг барқарорлиги ва глобал барқарорлик ва тўлқин тезлигини аниқлаш масалаларини келтиришимиз мумкин.

Бундай ечимлар ўсувчи ёки камаювчи бўлиб, фазовий муҳитда доимий тезликда тарқалади.

Ушбу тадқиқотда биз релаксацион моделни ўрганиш ва қуйидаги тенгламанинг тўлқин ечимларини қуриш учун янги ёндашувни таклиф қиламиз:

$$cT_x + T_t + \tau T_{tt} = a(T_{xx} + \tau T_{xtt}) - [F(T)]_{tt}. \qquad (7)$$

(7) ни қуйидаги кўринишда ёзамиз

$$a(T_{xx} + \tau T_{xtt}) - \tau T_{tt} = cT_x + T_t + [F(T)]_{tt}, \qquad (8)$$

бу ерда c - кўчиш коэффициенти (тезлиги), $F(T)$ - чизиқсиз функция.

$$T = T(\xi), \quad \xi = x - ct \qquad (9)$$

кўринишидаги ечимлар ҳаракатланувчи тўлқинлар бўлади. (9) ни (8) га қўйсак ξ аргумент (ўзгарувчи) бўйича учинчи тартибли оддий дифференциал тенгламага келамиз

$$(a - \tau c^2)T'' + a\tau c^2 T''' = c^2[F(T)]''. \qquad (10)$$

$T(\xi) = const$ функция (10) нинг тривиал ечими бўлади, шунинг учун

$$\lim_{\xi\to-\infty} T(\xi) = T^-, \quad \lim_{\xi\to+\infty} T(\xi) = T^+, \qquad (11)$$

тенгликлар ўринли бўлсин деймиз, бу ерда $T^- \neq T^+$ ва T^- ва T^+ лар маълум ўзгармаслар**.**

Бизнинг асосий вазифамиз ҳаракатланувчи тўлқин ечимнинг мавжудлигини кафолатлайдиган шартни топишдир.

1-таъриф. *(8) тенгламанинг ҳаракатланувчи тўлқин ечими деб бир ўлчамли фазодаги* R *соҳа бўйлаб* $c > 0$ *доимий тўлқин тезликда тарқаладиган* $T(x,t) = T(x - ct) = T(\xi)$ *кўринишдаги махсус ечимга айтилади.*

Бизнинг ҳолатда тарқалувчи тўлқинларнинг мавжудлик масаласи (10) тенгламанинг (11) ва

$$\xi \to \pm\infty \text{ бўлганда } T'(\xi), \quad T''(\xi) \to 0. \qquad (12)$$

шартларни қаноатлантирувчи $(T(\xi), c)$ ечимини топишдан иборат.

(10)-(12) масалани ечишга киришамиз.

(10) ни ξ дан $+\infty$ гача интервалда интеграллаб , (11) ва (12) ларни ҳисобга олиб, қуйидагини топамиз

$$(a - \tau c^2)T'(\xi) + a\tau c^2 T''(\xi) = c^2[F(T)]'. \qquad (13)$$

Сўнг, (13) ни ξ дан $-\infty$ гача ва ξ дан $+\infty$ гача интеграллаб,

$$(a - \tau c^2)T(\xi) + a\tau c^2 T'(\xi) - c^2[F(T)] - (a - \tau c^2)T^- + c^2[F(T^-)] = 0, \qquad (14)$$

$$(a - \tau c^2)T^+(\xi) - c^2[F(T^+)] - (a - \tau c^2)T(\xi) - a\tau c^2 T'(\xi) + c^2[F(T)] = 0. \qquad (15)$$

ифодаларни топамиз. Шундан сўнг

$$c^2 = \frac{a(T^+ - T^-)}{\tau(T^+ - T^-) + F(T^+) - F(T^-)},$$

$$(a - \tau c^2)T(\xi) + a\tau c^2 T'(\xi) = c^2 F(T) + H, \qquad (16)$$

тенгликларга эга бўламиз, бу ерда $H = \frac{1}{2}\{(a - \tau c^2)(T^- + T^+) - c^2[F(T^-) + F(T^+)]\}$. Шундай қилиб, тўлқин тезлигининг квадрати иккита маълум ҳолатнинг чексизликдаги қийматларидан фойдаланиб топилади. (16) дан навбатдаги дифференциал тенгламани топамиз

$$T' = f(T), \tag{17}$$

бу ерда $f(T) = \dfrac{1}{a\tau c^2}\{(a-\tau c^2)(\dfrac{T^- + T^+}{2} - T) - c^2[\dfrac{F(T^-)+F(T^+)}{2} - c^2 F(T)]\}$.

Таъкидлаш керакки, (17) нинг иккита мувозанат нуқтаси $T = T^-$ ва $T = T^+$ лар бўлади, яъни $f(T^-) = f(T^+) = 0$. (17) ни интеграллаб, ечимнинг ошкормас кўринишини топамиз

$$\xi - \xi_0 = \int_{T_0}^{T} \frac{ds}{f(s)}, \tag{18}$$

бу ерда ξ_0 - доимий сон ва $T(\xi_0) = T_0$.

Диссертациянинг «**Газ-гидродинамиканинг баъзи масалалари ҳақида»** деб номланувчи учинчи боби газ-гидродинамика баъзи муаммоларининг математик моделларини ўрганишга бағишланган.

Учинчи бобнинг **биринчи параграфида** биз номаълум чегарали гиперболик масала кўринишидаги тез оқувчи суюқлик оқими моделини ўрганамиз. Модел бир ўлчамли суюқлик оқимини тасвирлайди. Бу оқим агар кучланиш маълум бир чегарадан юқори бўлса, чизиқсиз ёпишқоқ-эластик суюқлик каби ва агар кучланиш ушбу чегарадан паст бўлса, юқори тезликдаги суюқлик каби ҳаракат қилади.

Бу ҳолатда номаълум чегара каналнинг ички ядроси ва ташқи қатламни ажратувчи сирт бўлади. Умумий масаланинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган вариант қаралади

$$\begin{cases} \theta_{tt} + 2w\theta_t = \theta_{xx} + \beta^2, \quad x \in (s(t), l), \quad t > 0, \\ \theta(x,0) = \theta_0(x), \quad \theta_t(x,0) = 0, \quad s_0 \le x \le l, \ s(0) = s_0, \ 0 < s_0 < l, \\ \theta(l,t) = 0, \quad t > 0, \\ \theta(s(t),t) = V_0, \quad t > 0, \\ \theta_x(s(t),t) + \dot{s}\theta_t(s(t),t) = -\beta^2, \quad t > 0 \end{cases} \tag{19}$$

бу ерда β^2, $2w = \dfrac{t_e}{t_r}, t_e = L\sqrt{\dfrac{\rho}{\mu}}, \mu$ - мусбат параметрлар, $\theta(x,t)$ - ёпишқоқ-эластик соҳа майдон тезлиги, V_0 - ички ядро тезлиги.

Маълумки, газ гидродинамикасининг кўплаб математик моделлари сақланиш қонунлари асосига қурилган ва табиий жараёнларни адекват тавсифловчи биринчи тартибли тенгламалар системаларидан иборат.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб масалани эквивалент шаклда биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси учун қайта ёзамиз

$$
\begin{cases}
c\rho T_t + q_x = \beta^2, \quad s(t) < x < l, \quad t > 0, \\
\tau q_t + q + kT_x = 0, \;\; s(t) < x < l, \quad t > 0, \\
T(x,0) = T_0(x), \quad q(x,0) = q_0(x), \quad s_0 \le x \le l, \\
T(l,t) = 0, \quad T(s(t),t) = T_1, \quad t \ge 0, \\
T_x(s(t),t) + \dot{s}(t) T_t(s(t),t) = -\beta^2, \quad t > 0
\end{cases} \tag{20}
$$

Ҳақиқатан, агар (20) масалада $q(x,t)$ ни йўқотсак, у ҳолда тенглама мос бошланғич-чегаравий шартли $T(x,t)$ функция учун (19) масалага ўтади. Агар $c\rho = 1,\;\; \beta^2 = p$ ва $\tau = k = 1$ лар ўринли бўлсин деб фараз қилиб, янги функциялар киритсак

$$
T(x,t) = \frac{u+v}{2}, \; q(x,t) = \frac{1}{2}(u - v), \tag{21}
$$

натижада $u(x,t)$ ва $v(x,t)$ функциялар учун қуйидаги масалага эга бўламиз

$$
u_t + u_x + \frac{1}{2}(u - v) = p, \quad s(t) < x < l, \quad t > 0, \tag{22}
$$

$$
v_t - v_x - \frac{1}{2}(u - v) = p, \quad s(t) < x < l, \quad t > 0, \tag{23}
$$

$$
u(x,o) = \Phi_1(x), \quad v(x,0) = \Phi_2(x), \; s_0 \le x \le l, \tag{24}
$$

$$
u(l,t) + v(l,t) = 0, \quad t > 0, \tag{25}
$$

$$
u(s(t),t) + v(s(t),t) = 2T_1, \quad t > 0, \tag{26}
$$

$$
(u_x(s(t),t) + v_x(s(t),t))(1 - \dot{s}^2(t)) = -\beta^2, \quad t > 0, \tag{27}
$$

$$
(\dot{s} + 1)(v_x(s(t),t) + p) = -p, \quad t > 0. \tag{28}
$$

Бу ерда $\Phi_i(x)(i = 1,2)$ функциялар узлуксиз дифференциалланувчи ва $p > 0,\; T > 0$ тенгсизликлар бажарилади.

Энди қидирилаётган функциялар учун априор баҳолар олинади.

(22) ва (23) тенгламаларнинг характеристикалари $x \pm t = const$ кўринишда бўлганлиги учун, масала корректлиги ва глобал ечимнинг мавжудлигини таъминлашда, аввало, $|\dot{s}(t)| < 1$ баҳони ўрнатишимиз керак.

Агар (27) шартдан фойдалансак, у ҳолда иккита ҳолат бўлиши мумкин

а) $(u_x(s(t),t) + v_x(s(t),t) > 0, \quad (1 - \dot{s}^2(t)) < 0$;

б) $(u_x(s(t),t) + v_x(s(t),t) < 0, \quad (1 - \dot{s}^2(t)) > 0$.

Бизга б) ҳолат мос келади. Агар $(u_x(s(t),t) + v_x(s(t),t) < 0$ тенгсизлик бажарилса, у ҳолда $|\dot{s}(t)| < 1$ бўлади. Бизнинг ҳолатда $-1 < \dot{s}(t) < 0$ баҳони ўрнатиш зарур, бу эса $|\dot{s}(t)| < 1$ нинг хусусий ҳолидир. (28) дан кўриниб турибдики, биз $-1 < \dfrac{p}{v_x(s(t),t) + p} < 0$ (ёки $v_x(s(t),t) + p < 0$) тенгсизликни ўрнатишимиз керак.

(22) ва (23) тенгламаларнинг $(s_0, 0)$ ва $(l, 0)$ нуқталардан ўтувчи мос $x - t = s_0$ ва $x + t = l$ характеристикаларидан фойдаланиб D соҳани $D_i, i = \overline{1,4}$

тўртта қисмга бўламиз. $D_1 \cup D_2$, $D_1 \cup D_3$, $D_2 \cup D_4$, $D_3 \cup D_4$ соҳаларда характеристика бўйлаб интеграллашлар ёрдамида ечимнинг ифодасини топамиз ва улардан қуйидаги леммаларни исботлашда фойдаланамиз.

3-лемма. *Фараз қилайлик* $u, v, s(t)$ *функциялар (22)-(28) масаланинг ечими бўлсин ва* $\Phi_1(x) < -2p$ *ва* $\Phi_2(x) < -2p$ *шартлар бажарилсин, у ҳолда* $v_x(x,t) < -2p$ *ва* $-1 < \dot{s}(t) < 0$ *лар ўринли бўлади.*

4-лемма. *Агар* $|u(x,0)| \le M_1$ *ва* $|v(x,o)| \le M_1$ *тенгсизликлар* $\{(x,t) : s(t) \le x \le l, 0 \le t \le t_1\}$ *соҳада ўринли бўлса, у ҳолда* $|u(x,t)| \le N$ *ва* $|v(x,t)| \le N$ *тенгсизликлар ҳам ўринли бўлади.*

5-лемма. *Фараз қилайлик* $u(x,t)$, $v(x,t)$, $s(t)$ *функциялар (22)-(28) масаланинг ечими бўлсин ва* $-1 < \dot{s}(t) < 0$, $|u(x,t)| \le N$, $|v(x,t)| \le N$, $|u_0'(x)| \le N_0$, $|v_0'(x)| \le N_0$, $0 \le t \le t_1$ *лар бажарилсин. У ҳолда* $|u_x|, |v_x|, |u_t|, |v_t| \le C$*, бу ерда* C *берилганларга боғлиқ ўзгармас сон.*

4-теорема. *Агар 3-5 леммаларнинг шартлари бажарилса, у ҳолда (22) - (28) масаланинг* $u(x,t)$, $v(x,t)$, $s(t)$ *ечими мавжуд ва ягонадир*.

4-теореманинг исботи давомида қўзғалмас нуқта ҳақидаги Шаудер принципидан фойдаланамиз.

Учинчи бобнинг **иккинчи параграфида** биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси учун номаълум чегарали масала ўрганилади.

Қуйидаги $\sigma(x,t)$, $\eta(x,t)$, $s(t)$ функцияларни топиш талаб этилсин, бу ерда икки марта узлуксиз дифференциалланувчи $s(t)$ функция $t \ge 0$ да аниқланган ва $s(0) = l$, $\dot{s}(0) = \beta$ лар ўринли, $\sigma(x,t)$, $\eta(x,t)$ функциялар эса D ($D = \{(x,t) : 0 < x < s(t), t \ge 0\}$) соҳада аниқланган бўлиб, $t > 0,\ 0 < x < s(t)$ да қуйидаги тенгламалар системаси ва шартларни қаноатлантиради

$$\begin{cases} \sigma_t + a\eta_x + c\eta = 0, \\ \eta_t + a\sigma_x + c\sigma = 0, \end{cases} \tag{29}$$

$$\sigma(x,0) = \sigma_0(x), \qquad \eta(x,0) = \eta_0(x), \quad x \in [0,l], \tag{30}$$

$$\eta(s(t),t) = \dot{s}(t), \quad \eta(0,t) + \alpha\sigma(0,t) = f(t), \quad t > 0, \tag{31}$$

$$\ddot{s} + \nu\dot{s} = \lambda\sigma(s(t),t) - \lambda F(s(t),t),\ s(0) = l\ \ \dot{s}(0) = \eta_0(l) = \beta, \tag{32}$$

бу ерда $a > 0,\ c > 0,\ \alpha > 0,\ \lambda > 0$ ва $\nu \ge 0$-ўзгармас сонлар, $F(x,t)$ функция эса биринчи чоракда аниқланган бериган функция.

Янги функциялар киритамиз:

$$\begin{cases} u(x,t) = \sigma(x,t) + \eta(x,t), \\ v(x,t) = \sigma(x,t) - \eta(x,t), \end{cases} \tag{33}$$

ва натижада (29) - (32) масала қуйидаги кўринишга ўтади:

$$\begin{cases} u_t(x,t) + au_x(x,t) + cu = 0, \\ v_t(x,t) - av_x(x,t) - cv = 0, \end{cases} \tag{34}$$

$$u(x,0) = \phi(x) = \sigma_0(x) + \eta_0(x),\ v(x,0) = \psi(x) = \sigma_0(x) - \eta_0(x), \quad 0 \le x \le l, \tag{35}$$

$$(1+\alpha)u(0,t) - (\alpha - 1)v(0,t) = 2f(t), \qquad t > 0, \tag{36}$$

$$\dot{s}(t) = \frac{u(s(t),t) - v(s(t),t)}{2}, \qquad t > 0, \tag{37}$$

$$\ddot{s} + \nu\dot{s} = \lambda\frac{u(s(t),t) + v(s(t),t)}{2} - \lambda F(s(t),t), \qquad t > 0, \tag{38}$$

(37) ва (38) ларнинг комбинациясидан топамиз

$$\ddot{s} + (\lambda + \nu)\dot{s} = \lambda e^{-ct}\phi(s(t) - at) - \lambda F(s(t),t), \qquad t > 0, \tag{39}$$

(34) системанинг характеристикалари $\frac{dx}{dt} = \pm a$ дифференциал тенгламанинг интеграл чизиқлари сифатида аниқланади.

Дастлаб қўйилган масаланинг корректлиги ва глобал ечимнинг мавжудлигини таъминлаш мақсадида, номаълум чегара учун икки томонлама баҳолар оламиз.

Фараз қилайлик, $F(x,t)$ функция узлуксиз ва x бўйича Липшиц шартини қаноатлантиради, ϕ, φ ва f функциялар эса Липшиц шартини қаноатлантиради. Ишнинг давомида, $|F(x,t)| \le F_{\max}$ ва $\lambda F_{\max} \le a(\lambda + \upsilon)$ лар ўринли бўлсин деб оламиз. У ҳолда $M = \frac{a(\lambda + \upsilon) - \lambda F_{\max}}{\lambda}$ мусбат ёки нолга тенг бўлади.

5-теорема. *Агар* $|\phi(x)| \le M$ *бажарилса, у ҳолда* $|\dot{s}(t)| < a,\ t > 0$.

6-теорема. *Агар 5-теорема шартлари бажарилса, у ҳолда (34)-(39) масаланинг ечими мавжуд ва ягонадир.*

Диссертация ишининг «**Туташ муҳитлар механикаси масалалари**» деб номланган тўртинчи боби эластик-пластик деформация ва газ динамикасининг номаълум чегарали икки фазали масалаларини ўрганишга бағишланган.

Тўртинчи бобнинг **биринчи параграфида** эластик-пластик деформациянинг Прандтл-Рейсс тенгламалар системаси кўрилади.

Маълумки, эластик-пластик деформациянинг Прандтл-Реусс тенгламалар системаси қуйидагича кўринишга эга

$$\rho\left(u_t + uu_x\right) + (p - s)_x = 0, \tag{40}$$

$$\rho_t + (\rho u)_x = 0, \tag{41}$$

$$s_t + us_x - \frac{4}{3}\mu u_x = 0, \tag{42}$$

$$|s| \le Y = \frac{2}{3}\sqrt{Y_0^2}, \tag{43}$$

бу ерда $\rho\left(x,t\right)$, $u\left(x,t\right)$-муҳитнинг зичлиги ва тезлиги, $s\left(x,t\right)$-кучланиш, $p = p\left(\rho\right)$-босим, ихтиёрий $0 < \rho < \infty$ ларда $0 < p'\left(\rho\right) < \infty$ ўринли, Y_0-Мизес доимийси, $\mu > 0$-Ламе доимийси.

(42) тенглама эластик муҳитда бажарилади. Пластик муҳитда таърифга кўра $|s| = Y$ бўлади. (40)-(43) тенгламалар системаси учун Коши масаласи қуйидагича қуйилади

$$\rho(x,0)=\rho_0(x), u(x,0)=u_0(x), s(x,0)=s_0(x), -\infty<x<\infty \qquad (44)$$

Биздан (40)-(44) масаладаги физик катталикларни эластик($|s|<Y$) ва пластик($|s|=Y$) соҳаларда ва бу соҳаларни ажратиб турувчи номаълум чегара устида ҳам топиш талаб этилсин.

Масала ечими физик маънога эга бўлиши учун, пластик муҳитда $1\le w(x,t)\le e^{-s_0(x)}$ (бу ерда $w(x,t)=\dfrac{\rho_0}{\rho}$) тенгсизлик бажарилсин деб оламиз.

Маълумки, $\rho(x,t)>0$ учун қаралаётган системанинг характеристикалари ҳақиқий ва турлидир: $\lambda_1=u,\ \lambda_{2,3}=u\pm\sqrt{p'(\rho)+\dfrac{4\mu}{3\rho}}$. У ҳолда таърифга кўра система қатъий гиперболик бўлади. Ўзгарувчилар устида алмаштириш бажарганимиздан сўнг (40)-(44) система $u_t+(p-s)_x=0,\ (ln\rho)_t=-\rho u_x,\ \ s_t=\dfrac{4}{3}\mu\rho u_x,\ \ |s|\le Y$ кўринишга келади.

Фараз қилайлик, бутун деформацияланувчи соҳада $s(x,t)\ge 0$ ва $0\le s_0(x)\le Y,\ \ s_0(0)=Y,\ \ \ddot{s}_0(0)<0$ шартлар бажарилсин.

Баъзи соддалаштиришлардан сўнг, (40)-(44) система учун Коши масаласи коэффициентлари номаълум чизиқ устида узилишга эга бўлган гиперболик тенгламалар системаси учун Коши масаласига келтирилади.

Номаълум чегарали масала: $u(x,t),\ v(x,t)$ ва $x=h_\pm(t)$ функцияларни топиш талаб қилинсин, бу функциялар $h_\pm(t)\in C(t\ge 0)\cap C^1(t>0),\ h'_+(t)>0,$ $h'_-(t)<0,\quad h_\pm(0)=0,\quad u,v\in C(t\ge 0)\cap C^1(t>0,\ x\ne h_\pm(t))$ шартларни ва қуйидаги тенгламаларни қаноатлантирсин

$$\begin{cases} u_t+a(v)v_x=f(x), \\ v_t-u_x=0, & (x,t)\in D_1\cup D_2\ \ (|s|<Y\ \textit{сохада}), \\ 1\le v(x,t)\le e^{-s_0(x)}, \end{cases}$$

$$\begin{cases} u_t+b(v)v_x=0, \\ v_t-u_x=0, & (x,t)\in D_0\ \ (|s|=Y\ \ \textit{сохада}), \\ 0<\dfrac{1}{A}\le v(x,t)\le A<\infty, \end{cases}$$

$$v(h_\pm(t),t)=e^{-s_0(h_\pm(t))},\ u(x,0)=u_0(x),\ v(x,0)=1,\ -\infty<x<\infty,$$

бу ерда $D_1=\{(x,t):-\infty<x<h_-(t),\ t>0\}$, $D_2=\{(x,t):h_+(t)<x<\infty,\ t>0\}$, $D_0=\{(x,t):h_-(t)<x<h_+(t),\ t>0\}$ ва $a(v),\ b(v)$ лар ихтиёрий $v(x,t)$ учун узлуксиз функциялар, A-мусбат ўзгармас сон.

Чизиқли масала. Биринчи тартибли ўзгармас коэффициентли чизиқли тенгламалар системаси учун қуйидагича масала қаралади

$$\begin{cases} T_{1t}+a_{11}q_{1x}+b_{11}T_1+c_{11}q_1=f_1(x), \\ q_{1t}+a_{12}T_{1x}+b_{12}T_1+c_{12}q_1=g_1(x), \qquad (x,t)\in D_1\cup D_2\,, \\ 1\le q_1(x,t)\le e^{-s_0(x)}. \end{cases} \tag{45}$$

$$\begin{cases} T_{2t}+a_{21}q_{2x}+b_{21}T_2+c_{21}q_2=f_2(x), \\ q_{2t}+a_{22}T_{2x}+b_{22}T_2+c_{22}q_2=g_2(x), \qquad (x,t)\in D_0\,, \\ 0<\dfrac{1}{A}\le q_2(x,t)\le A<\infty. \end{cases} \tag{46}$$

$$q_i(h_\pm(t),t)=exp\{-s_0(h_\pm(t))\},\ q_1(h_\pm(t),t)=q_2(h_\pm(t),t), \tag{47}$$

$$T_1(x,0)=T_0(x),\ q_1(x,0)=q_0(x),\ -\infty<x<\infty, \tag{48}$$

бу ерда $a_{ij}, b_{ij}, c_{ij}\,(i,j=1,2)$-маълум ўзгармас сонлар, $f_i(x), g_i(x), T_0(x), q_0(x)$-берилган функциялардир.

2-изоҳ. *Кейинги қадамларда, маълум дифференциалланувчи функцияларни* $f_j(x),\ g_j(x)(j=3,4),$ $a_i(t), b_i(t)(i=1,2)$ *лар орқали белгилаймиз, ва мураккаб аниқланганлиги учун уларни кўринишини келтирмаймиз, лекин улар устида баъзи чекловлар ўрнатамиз.*

8-теорема. $f_i(x), g_i(x)(i=1,2),$ $T_0(x), q_0(x), s_0(x)$ *функциялар ўзларининг аниқланиш соҳаларида икки марта узлуксиз дифференциалланувчи бўлсин, бундан ташқари* $b_{11}=c_{12}$, $b_{12}=c_{11}$ *ва* $-Y\le s_0(x)\le 0$, $s_0(0)=0$, $x<0$ *да* $\dot{s}_0(x)>0$ *ва* $x>0$ *да* $\dot{s}_0(x)<0$. *У ҳолда (45)-(48) масаланинг ягона ечими мавжуд.*

Тўртинчи бобнинг **иккинчи параграфи** газ динамикасининг икки фазали номаълум чегарали масаласига бағишланган.

Масала математик нуқтаи назардан қуйидагича қурилади: берилган $(b,\phi_1,\psi_1,\phi_2,\psi_2)$ функцияларга мос $\sigma_i(x,t)$, $\eta_i(x,t)$, $i=1,2,$ $s(t)$ функцияларни топиш талаб этилсин. $s(t)$ функция $t\ge 0$, да аниқланган ва икки карра дифференциалланувчи бўлиб $s(0)=0$, $\dot{s}(0)=b$ тенгликлар ўринли бўлсин, $\sigma_i(x,t)$, $\eta_i(x,t)$ функциялар эса D_i $(i=1,2,$ $D_1=\{(x,t):-\infty<x<s(t),t\ge 0\}$, $D_2=\{(x,t):s(t)<x<+\infty,t\ge 0\})$ соҳаларда аниқланган бўлиб қуйидаги тенгламалар системасини ва шартларни қаноатлантирсин

$$\begin{cases} \sigma_{1t}+c\eta_{1x}-\dfrac{\sigma_1+\eta_1}{2}=0, \\ \eta_{1t}+c\sigma_{1x}+\dfrac{\sigma_1+\eta_1}{2}=0, \end{cases} \qquad (x,t)\in D_1, \tag{49}$$

$$\begin{cases} \sigma_1(x,0)=\phi_1(x), \quad \eta_1(x,0)=\psi_1(x), \quad -\infty<x\le 0, \\ c\eta_1(s(t),t)=\dot{s}(t), \qquad t\ge 0, \end{cases} \tag{50}$$

$$\begin{cases} \sigma_{2t} + c\eta_{2x} - \dfrac{\sigma_2 - \eta_2}{2} = 0, \\ \eta_{2t} + c\sigma_{2x} - \dfrac{\sigma_2 - \eta_2}{2} = 0, \end{cases} \qquad (x,t) \in D_2, \tag{51}$$

$$\begin{cases} \sigma_2(x,0) = \phi_{(x)}, \quad \eta_2(x,0) = \psi_2(x), \quad 0 \le x < \infty, \\ c\eta_2(s(t),t) = \dot{s}(t), \qquad t \ge 0, \end{cases} \tag{52}$$

$$\mu\ddot{s}(t) = \sigma_1(s(t),t) - \sigma_2(s(t),t), \qquad t \ge 0. \tag{53}$$

Янги функциялар киритсак:

$$\begin{cases} u_i(x,t) = \sigma_i(x,t) + \eta_i(x,t), \\ v_i(x,t) = \sigma_i(x,t) - \eta_i(x,t), \end{cases} \tag{54}$$

$$\begin{cases} f_i(x) = \phi_i(x) + \psi_i(x), \\ g_i(x) = \phi_i(x) - \psi_i(x). \end{cases} \tag{55}$$

У ҳолда (49) – (53) масала қуйидаги кўринишни олади

$$\begin{cases} u_{1t}(x,t) + cu_{1x}(x,t) = 0, \\ v_{1t}(x,t) - cv_{1x}(x,t) - u_1(x,t) = 0, \end{cases} \qquad (x,t) \in D_1, \tag{56}$$

$$. \quad . \tag{57}$$

$$\begin{cases} u_{2t}(x,t) + cu_{2x}(x,t) - v_2(x,t) = 0, \\ v_{2t}(x,t) - cv_{2x}(x,t) = 0, \end{cases} \qquad (x,t) \in D_2, \tag{58}$$

$$\begin{cases} u_2(x,0) = f_2(x), \quad v_2(x,0) = g_2(x), \quad -\infty < x \le 0, \\ \dfrac{c}{2}[u_2(s(t),t) - v_2(s(t),t)] = \dot{s}(t), \qquad t \ge 0. \end{cases} \tag{59}$$

(54) ни ҳисобга олсак (53) дан

$$u_1(s(t),t) - v_2(s(t),t) = \frac{2}{c}\dot{s}(t) + 2\mu\ddot{s}(t) \tag{60}$$

ни топамиз

Фараз қилайлик $\delta \equiv \sup\limits_{-\infty < x \leqslant 0 \leqslant y < +\infty} \frac{1}{2}\left| f_1(x) - g_2(y) \right|$ тенглик ўринли бўлсин.

Масала корректлиги ва глобал ечимнинг мавжудлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, $|\dot{s}(t)| < c$ баҳони ўрнатишимиз зарур.

9-теорема. $u_i(x,t),\ v_i(x,t),\ s(t)(i = 1,2)$ *функчияар (56)-(60) масаланинг ечими бўлиб,* $0 \le \delta < 1,\ \ |b| \le c(1-\delta)$ *тенгсизликларни қаноатлантирсин, у ҳолда* $|\dot{s}(t)| < c,\ t \ge 0$.

10-теорема. *Агар 9-теореманинг шартлари ўринли бўлса, у ҳолда (56)-(60) масаланинг ечими мавжуд ва ягонадир.*

ХУЛОСА

диссертация биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системалари учун номаълум чегарали масалаларга бағишланган бўлиб, ўзида Фурье эффекти бўлмаган ноодатий жараёнларни яхшироқ тушунишга имкон беради ва қуйидаги асосий натижаларга эришилган:

кўчишнинг учинчи тартибли релаксацион тенгламаси учун номаълум чегарали математик модел таклиф қилинган. У бир қатор муҳим махсусликларга эга, яъни бошланғич вақтда соҳа нуқтага айланади, қидирилаётган функция ва унинг ҳосилалари координата бошида узилишга эга ва номаълум чегара учун шарт ошкормас кўринишда берилади;

релаксацион хусусиятга эга муҳитда потенциаллар тарқалиши жараёнини тасвирловчи ҳаракатланувчи тўлқин тенгламаси ечимининг хоссалари ўрганилган;

доимий босим градиенти билан бошқариладиган каналдаги оқим ҳаракати номаълум чегарали масала ҳисобланиб, Максвеллнинг гиперболик телеграф тенгламаси ва учинчи даражали Олдройд-Б тенгламасини ўз ичига олади. Номаълум чегара - бу икки соҳани ажратиб турувчи сиртдир, яъни у каналнинг ички ядроси ва ташқи қатламни ажтариб туради;

бир фазали Стефан типидаги масала газ билан тўлдирилган бир ўлчовли бир учи маҳкамланган цилиндр учун берилган вақтда поршеннинг ҳаракати ва ичкаридаги газнинг ҳолатини ўрганилган;

ёпишқоқ-пластик деформация жараёни модели бўлган, коэффициентлари номаълум чегара устида узилувчи гиперболик тенгламалар системаси учун чизиқли дифференциал оператор бўлган ҳол учун масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги теоремалари исботланган;

Максвелл-Каттанеонинг релаксацион формуласи асосида олинган газо-динамиканинг икки фазали гиперболик модели ўрганилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО
ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

УМИРХОНОВ МАСЪУДХОН ТУРАХОН УГЛИ ХАСАНЗОДА

ЗАДАЧИ СО СВОБОДНОЙ ГРАНИЦЕЙ ДЛЯ СИСТЕМ ГИПЕРБОЛИЧЕСКИХ УРАВНЕНИЙ ПЕРВОГО ПОРЯДКА

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика
(физико-математические науки)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.4.PhD/FM306.

Диссертация выполнена в Институте Математики имени В.И.Романовского.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://kengash.mathinst.uz/ и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу http://www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Тахиров Жозил Останович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ашуров Равшан Раджабович** доктор физико-математических наук, профессор
	Бабаджанов Базар Атаджанович доктор физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится « 27 » декабря 2022 года в 16:00 часов на заседании Научного совета Dsc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте математики имени В.И.Романовского (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871)207-91-40, e-mail: kengash@mathinst.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № 154). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан « 7 » декабря 2022 года.
(протокол рассылки № 2 от « 7 » декабря 2022 года).

У.А. Розиков
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К. Адашев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

А.А. Азамов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования, проводимые во всем мире, в большинстве случаев требуют исследования гиперболических задач со свободными границами. Задачи со свободными границами - это задачи с подвижными границами, которые моделируют фазовые переходы чистых материалов из-за теплопроводности и обмена скрытой тепловой энергией. Поскольку положение движущейся границы заранее неизвестно и будет найдено вместе с температурой, задачи со свободными границами являются нелинейными. Решения этих задач могут демонстрировать очень сложное поведение, приводящее ко многим теоретическим результатам (и многообещающим разработкам по многим еще нерешенным проблемам), а также к точным результатам для широкого спектра приложений в физике и технике.

